

Nozim MAMATAKHUNOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,
Independent researcher of PhD
no_zim23@mail.ru
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

АБУ БАКР ИЁДИЙ АБУ ҲАНИФА ИМОМ АЪЗАМНИНГ СОДИҚ ИЗДОШИ СИФАТИДА

АБУ БАКР ИЯДИ КАК ПРЕДАННЫЙ ПОСЛЕДОВАТЕЛЬ ИМАМА АБУ ХАНИФЫ

ABU BAKR IYADI AS A LOYAL FOLLOWER OF IMAM ABU HANIFA

Таянч сўзлар: *ислом илоҳиёти (калом илми), Иёдийлар сулоласи, ҳозирги ҳукумат билан уйғунлик, Абу Бакр Иёдий, мўътазиллийлар, ақидавий мунозаралар, «аҳл-с-сунна ва-л-жамоа», «Масаил-л-ашру-л-Иёдия».*

Ключевые слова: *исламская теология (калам), династия Иядитов, согласия с действующей властью, Абу Бакр Ияди, мўътазилиты, идеологические дебаты, “ахл аль-сунна и аль-джамаъа”, “аль-Маса:ил аль-ашр аль-Иядия”.*

Key words: *Islamic theology (kalam), Iyadi dynasty, not protesting to the current authority, Abu Bakr al-Iyadi, mutazilites, ideological debates, “Ahl al-Sunnah and Al-Jama’a”, “al-Masa:il al-ashr al-Iyadiya”.*

Ақида асослари дастлабки сунна издошларидан бири Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг “Фикҳу-л-акбар” асарида тўлиқ ва батафсил баён қилинган. Кейинчалик, ҳанафийлик мазҳаби мужтаҳидлари Абу Ҳанифанинг мазкур асари ва бошқа ишларини шарҳлаб, таълимот асосларини «Калом илми» дея белгилаб бердилар.

Калом – ўрта асрларда мусулмон адабиётларида вужудга келган атама бўлиб, унинг луғавий маъноси – “сўзлашиш, мунозара қилиш”. Ўрта асрларда бу сўзнинг учта – худонинг сўзи, ақлга таянган (мантикий ва диалектик) мунозара усули, илоҳиётшунослик (илму-л-калам) маъноларини англатган.

Айнан мана шу калом билан ислом динида қиёс натижасида Худонинг сифатлари, Унинг иродаси, гуноҳи кабира қилган инсонларнинг тақдири каби масалаларда тортишувлар вужудга келди. Калом илмини ислом ақидапарастларига қарши баҳс-мунозара қиладиган фалсафий фикрлар мажмуаси

Марказий Осиё шаҳарлари инсоният тарихидаги энг қадимий тарихий ва илмий марказлардан бири ҳисобланади. Бу ерда дунёвий ва диний фанлар ривожланди. Ушбу мақолада ислом илмлари, хусусан, ислом илоҳиёти (калом илми) ривожига катта ҳисса қўшган Иёдийлар сулоласининг вакили Абу Бакр Иёдий ҳаёти ва фаолияти тадқиқ этилган.

Маълумки, Иёдийлар сулоласи ва мотуридия ақидавий мактабининг вакиллари, Абу Аҳмад ва Абу Бакр ҳанафий анъаналарини ривожлантирган ва мусулмонларни ўз даври ҳукумати билан уйғунликда яшашга даъват этиб, ислом дини илмларини ривожлантирдилар. Чунки Абу Бакр Иёдий бевосита Абу Мансур Мотуридийнинг шогирди бўлиб, аҳли сунна вал жамоанинг ҳимоячиси сифатида фаолият олиб борган. Шу билан бир қаторда Абу Бакр Иёдийнинг отаси Абу Наср Иёдий Абу Мансур Мотуридийнинг устози саналади. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг етакчи бўлиб етишишида у катта ҳисса қўшган. Шу боис, Абу Бакр Иёдийнинг барча ақидавий қарашлари аҳли сунна вал жамоа йўналиши ва ақидавий талабларига мос тушади. Абу Бакр Иёдийга тегишли матнларнинг барчасида унинг мўътазилийлар билан олиб борган ўнта ақидавий мунозаралари тадқиқ этилган. Абу Бакр Иёдий кимнинг фикрлари Куръон, сунна ва бошқа ислом уламоларининг фикрларига тўғри келса, ўшаларни “аҳли сунна ва-л-жамоа” каторига қўшган. Абу Бакр ёзиб қолдирган ақидавий мунозаралари “Масаилу-л-ашру-л-Иёдия” деб номланади. Бу мунозаралар Иёдийлар оиласига оид ягона илмий аҳамиятга эга манба экани таҳлил қилинган.

Города Средней Азии являются одними из самых древних исторических и научных центров в истории человечества. Здесь процветали светские и религиозные науки. В этой статье рассказывается о жизни и деятельности династии Иядитов, которые внесли большой вклад в развитие исламских наук, в частности, исламской теологии (калам).

Известно что, такие представители династии Иядитов и теологической школы матуридия как Абу Ахмад и Абу Бакр развивали исламскую теологию, развивая ханафитские традиции и, призывая мусульман жить в согласии с действующей властью. Это имело место в связи с тем, что Абу Бакр Ияди был прямым учеником Абу Мансура Матуриди, сторонника ахл ас-сунны и джамаата. Кроме того, отец Абу Бакра Ияди Абу Наср Ияди является учителем Абу Мансура Матуриди, который сыграл большую роль в его процветании в сфере исламской теологии. Все идеи и теории Абу Бакра Ияди основаны на идеологии ахл ас-сунны и джамаата. Все тексты работ Абу Бакра Ияди содержат десятки идеологических дебатов с муътазилитами. Абу Бакр Ияди включил в “Ахлу-с-сунна и ал-джамаъа” тех, чьи взгляды соответствовали Корану, сунне и взглядам других исламских ученых. Тексты дискуссий доктрины, которые написал Абу Бакр, называются “Маса:илу-л-ашру-л-иядия”. Указанные тексты являются единственным научно значимым источником информации о семье Иядитов.

Cities of Central Asia are one of the oldest historical and scientific centers in the history of mankind. Secular and religious sciences flourished here. This article tells about the life and work of the Iyadite dynasty, which made a great contribution to the development of Islamic sciences, in particular, Islamic theology (Kalam). For example, representatives of the Iyadite dynasty and the theological school of Maturidia such as Abu Ahmad and Abu Bakr developed Islamic theology, developing Hanafi traditions and urging Muslims to live in harmony with the current government. This was since Abu Bakr Iyadi was a direct student of Abu Mansur Maturidi, a supporter of Ahlu-s-Sunna and Jamaat. Also, the father of Abu Bakr Iyadi Abu Nasr Iyadi is a teacher of Abu Mansur Maturidi, who played a big role in his prosperity in the field of Islamic theology. All the ideas and theories of Abu Bakr Iyadi are based on the ideology of Ahlu-s-Sunnah and Jamaat. All the texts of Abu Bakr Iyadi's works contain dozens of ideological debates with mutazilites. Abu Bakr Iyadi included in Ahlu-s-Sunna and al-Jama'a those whose views corresponded to the Qur'an, Sunna, and the views of other Islamic scholars. The discussion texts of the doctrine that Abu Bakr wrote are called "Masa'ilu-l-axiru-l-iyadiyah". These texts are the only scientifically significant source of information about the Iyadite family.

деб қараш мумкин. Калом илми мусулмонларнинг фалсафий йўналишларидан бири бўлиб, IX асрда вужудга келган. Унинг асосида дин пешволарига эргашиш (таклид) эмас, балки аклий-фалсафий йўллар билан Худони англаш ётар эди.

Умуман олганда, калом илмининг намоёндалари – мутакаллимлар дейилган. Мулла Али Қори Ҳанафийнинг “Фикҳу-л-акбар”га қилган шарҳида “У бир илмки, унда эътиқод қилиш лозим бўлган нарсалар ҳақида баҳс қилинади” дейилган (*Shayx Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf: 2005:6*).

Мазкур илмни калом илми деган ном билан аташ кенгроқ тус олганлигини бу илм пайдо бўлишининг илк даври “Каломуллоҳ-Қуръони каримнинг яратилган (махлук) ёки яратилмаганлиги (муҳдас)”

масаласи билан боғлиқ бўлганлиги сабаби орқали ҳам изоҳлаш мумкин. Ҳанафийлик мазҳабининг ақида бўйича етакчи олими Абу Мансур Мотуридий бу борада биринчилардан бўлди. У ўзининг ақида илми бўйича мактабини ярата олди ва ўша мактабнинг асосчиларидан бўлиб бўлди.

Имом Абу Ҳанифанинг салоҳиятли шогирдлари орасида энг машҳурларидан бири Муҳаммад Шайбоний ибн Ҳасан ибн Абдуллоҳ ибн Товус ибн Хурмуз (135/752-189/805) диний билимлар бўйича кўплаб асарлар ёзган. У ўзининг шогирди Муҳаммад ибн Идрис, мазҳаб асосчиси – Имом Шофийийнинг онасига уйланган. Муҳаммад Шайбонийнинг вафотидан кейин унинг китоблари Муҳаммад Шофийийга қолади. Шу сабаб, Имом Шофийий

бир неча бор таъкидлайдики, унинг билимларининг ортиб бориши ва мужтаҳид даражасига етишишига устозининг қолдирган асарлари сабаб бўлган. Кимки, фикҳ илми бўйича ўзининг билимларини оширмоқчи бўлса, уларга мана шу китоблардан фойдаланишларини, қолаверса, Абу Ҳанифанинг шогирдларидан илм ўрганишларини айтар эди.

Ўзининг вафотидан олдинроқ Имом Аъзам Абу Ҳанифа ўзининг баъзи яқин ўқувчилари ва ҳамфикрларини йиғиб, суннийларнинг таълимотларини муайян 12 та қисмларга ажратиб берди: “Менинг азиз биродарларим ва дўстларим! Билингки, аҳли сунна вал жамоа ҳақиқий йўлдадир ва у 12 та асосий таълимотга таянади. Кимки, мана шу асосларни қабул қилса ва уларга биноан амал қилса, у янгилик (бидъат)дан холи бўлади. Агар улардан узоқлашмай, шу асосларга аҳамиятли бўлсангиз Қиёмат кунда Муҳаммад (с.а.в.)нинг шафоатларига эришасизлар” ва яна сўзларида давом этиб дедилар: “Аҳли-с-сунна ва-л-жамоа таълимоти куйидаги асосларга асосланади” деб ёзган (*Ali al-Qari: 1983:11*). Улар куйидагилар:

1. Иймон масаласи.

а) Иймон қалбда тасдиқлангандагина (тасдиқ) ва тил билан айтилгандагина (икрор) ҳақиқий (саҳиҳ)дир. У агар фақат сўз билан айтилса, ҳақиқий бўлмайди. Мана шу ҳолатда иккиюзламачи (мунофиқ) лар ҳам ишонувчилар (мўминлар) бўлардилар. Иймон эса, у ҳақда билганда ҳақиқий бўлмайди, балки уни тасдиқлаб, унга амал қилгандагина ҳақиқий бўлади. Агар шундай бўлганда яхудийлар ва насронийлар ҳам мўмин бўлардилар.

б) Иймон кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам. Агар иймон кўпайганда эди, иймонсизлик (*куфр*) камайиши керак. Қарама-қарши томондан эса, иймоннинг камайиши куфрнинг кўпайишига олиб келади. Бу ақлга тўғри келмайди. Ҳамда инсон бир вақтнинг ўзида ҳам иймонли (*мўмин*) ва иймонсиз (*кофир*) бўлиши мумкин эмас.

в) Яккахудоликка эргашган (аҳлу-т-тавҳид, аҳлу-л-кибла) пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га умматларидан кимки гуноҳ содир этса, у гуноҳи туфайли иймонсиз (*кофир*) бўлиб қолмайди. Инсоннинг иймони (иймон) ва унинг амаллари (амал) бир бутун нарса бўла олмайди. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг ҳаракатлари унинг иймонининг бир қисми бўла олмайди. Шундай экан, баъзи амаллар гоҳида Аллоҳнинг қулига нисбат қилинади. Баъзи ҳолларда Аллоҳ таолонинг раҳмати билан банда ана ўша амаллардан озод этилади. Масалан, муҳтож мусулмон (фақир) закот бермайди ёки аёллар рўза тутишдан озод этилганлари ёки ҳар ойлик ҳайз пайтларида ёки туғанларидан кейинги қон

кеттиш пайтларида намоз ўқишдан озод этилганлари мисол бўла олади. Лекин Аллоҳ таолонинг бандаси ўзининг иймонидан озод қилинадиган бирорта лаҳза йўқ. Банда ҳеч қачон: «Муҳтож мусулмон (фақир) иймонли бўлиши шарт эмас», дейиши асло мумкин эмас. Маълумки, аёллар ўзларининг рўза тутишдан озод этилган муайян кунларидан кейин ана ўша рўзаларини тутиб берадилар.

г) Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳ таолодандир (хайриҳи ва шарриҳи мин Аллоҳи таъала). Агар кимки ёмонлик бошқа бирорта зотдан бўлади, деб ўйласа, у киши мушрик бўлади.

2. Амаллар масаласи учга бўлинади:

а) Фарз амаллари б) Фазилатли амаллар в) Гуноҳ амаллар.

а) Фарз амалларини банда Аллоҳнинг буйруғи билан амалга оширади. Аллоҳнинг хоҳиши, Унинг муҳаббати, Унинг яратиши, Унинг билими ва лавҳу-л-маҳфузда ёзилгани каби амалга оширади.

б) Фазилат амалларини инсон Аллоҳнинг буйруғи билан амалга оширмайди. Лекин Унинг яратиши, Унинг хоҳиши, Унга муҳаббати билан, Унинг иродаси, Унинг билими ва лавҳу-л-маҳфузда ёзилгани каби амалга оширади. Фазилатли амалларни бажарувчилар ҳақида Қуръонда шундай дейилади:

لَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَىٰ وَزِيَادَةٌ وَلَا يَرْهَقُ وُجُوهَهُمْ قَتَرٌ وَلَا ذِلَّةٌ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ {٦٢}

«Гўзал амал қилганлар учун гўзал савоб ва зиёдалик бордир. Уларнинг юзларини қаролик ҳам, хорлик ҳам қопламас. Ана ўшалар жаннат эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар» (*Shaykh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf: 2016:24*). _

в) Гуноҳ амалларини ҳам банда Аллоҳнинг буйруғи билан амалга оширмайди. Аллоҳнинг бандасига муҳаббати билан, Унинг яратиши, Унинг хоҳиши, Унга муҳаббати билан, Унинг иродаси, Унинг билими ва лавҳу-л-маҳфузда ёзилгани каби амалга оширади. Шу билан бирга банда томонидан Аллоҳга осийлик қилиниб, гуноҳлар ҳам Унинг иродаси билан амалга ошгани айтилади.

3. Аллоҳ таолонинг аршга кўтарилиши (истиво) масаласида Аллоҳ таоло айнан Аршда ўтиради, деб тушунилмайди. Ҳамма нарсага қодир Аллоҳ бирор жойда ўтиришга муҳтож эмас. Шунингдек, У вақтга ҳам муҳтож эмасдир. Арш Аллоҳнинг яратган нарсаси (маҳлук)дир. Азалда арш бўлмаган. Аллоҳ азалий ва абадий зотдир. Арш эса, кейин яратилган ва вақт ҳам кейин яратилгандир.

4. Қуръони карим Аллоҳ таолонинг сўзи эканлиги масаласи. Қуръони карим Аллоҳнинг яратган нарсаси эмас (ғайру маҳлук). Қуръондаги

сўзлар Китоб (мусхаф)га ёзилади. Одамлар томонидан ўқилади. Қалбларда сақланади. Одамлар Куръонни ўқишга эҳтиёж сезарканлар, барча ёрдамчи воситалар – сиёҳ, қоғоз, ёзиш усули, ҳарфлар, ҳарфлардан тузилган сўзлар, гаплар – буларнинг ҳаммаси яратилган (махлук)дир. Аллоҳнинг каломи Ўзи томонидан кейин яратилинмаган. Агар кимки Куръон яратилинган (махлук) деса, у кимса кофир бўлади.

5. Юксак даражалар. Муҳаммад (с.а.в.) нинг жамоалари (умма)да пайғамбардан кейинги даражаларда ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ, ҳазрат Умар ибн Хаттоб, ҳазрат Усмон ибн Афвон, ҳазрат Али ибн Аби Толиб (р.а.)лар турадилар. Мазкур тўрт саҳоба исломда хулафои рошидин деб аталадилар. Улар ҳақда Куръони каримда шундай дейилган:

وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ {٠١} أُولَٰئِكَ الْمُقَرَّبُونَ {١١} فِي جَنَّاتِ النَّعِيمِ {٢١}

«Ва пешқадамлар, пешқадамлар. Улар (Аллоҳга) яқин бўлганлар. Сернеъмат жаннатлардадирлар» (Shayx Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf: 6-juz: 2016:24, 25).

6. Бандалар Аллоҳ таоло томонидан ўзларининг барча хатти-ҳаракатлари билан яратилганликлари масаласи. Банданинг барча амаллари, билимлари, хоҳишлари Аллоҳ таолонинг яратган нарсаси (махлук)дир. Табиийки, кимки яратилинган бўлса, у бажараётган барча амаллар ҳам яратилингандир.

7. Аллоҳ таоло ҳам Яратувчи (Холик), ҳам ризқ Берувчи (Раззоқ) зот эканлиги масаласи. Куръони каримда шундай дейилган:

اللَّهُ الَّذِي خَلَقَكُمْ ثُمَّ رَزَقَكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يُحْيِيكُمْ هَلْ مِنْ شَرِكَاكُمْ مَنْ يَفْعَلُ مِثْلَ ذَلِكَ مِنْ شَيْءٍ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى عَمَّا يُشْرِكُونَ {٠٤}

«Сизларни халқ қилган, сўнгра ризқлантирган, кейин ўлдирадиган ва яна тирилтирадиган зот Аллоҳдир» (Shayx Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf: 4-juz: 2016:458).

Инсон ўзи учун ўз билимларини ишлатиб емиш (касб орқали) топиши мумкин. Ўзи учун бирор бир мулкни ҳалол йўл билан ишлаб топиши мумкин. Мусулмон киши учун бошқа йўл билан ризқ топиш мумкин эмас. Одамлар уч гуруҳга бўлинадилар. Уларнинг биринчиси – ишонувчилар (мўминлар), ўзларининг иймонларига содиқдирлар. Бошқалари – қайсар ва ягона Аллоҳни тан олмайдиганлар – Унга ишонмайдиганлар (кофирлар), учинчи тоифа вакиллари иккиюзламачи ёлғончи кимсалар (мунофиқлар)дир. Буюк Аллоҳ фарз амаллари: мўминларга–яхши ҳаёт кечириш ва итоат (ибодат)

килишни, мунофиқларга–очик кўнгиллик (ихлос) ни ҳамда кофирларга– ишонч (иймон)ни буюрди. Куръони каримда шундай дейилган:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ {١٢}

«Эй одамлар, сизларни ва сизлардан олдингиларни яратган Роббингизга ибодат қилинг. Шоядки, тақводор бўлсангиз» (Shayx Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf: 1-juz: 2016:24)

8. Аллоҳ таоло ҳеч нарсага мухтож эмас.

9. Масх қилиш рухсат этилган амалдир.

Ўзининг яшаш жойидан узоқда бўлган киши учун 24 соат мобайнида оёғидаги махсисини ечмасдан туриб масх қилиш мумкин. Йўловчи ва меҳмон (мусофир)га уч сутка (72 соат) махсисини ечмасдан масх қилиш мумкин этилди. Агар кимки буларнинг ҳаммасини инкор этса, у кимса кофир бўлади. Чунки бу ҳақдаги ҳадисларнинг кўпчилиги “мутавотир” даражасидаги ҳадислар ҳисобланади.

Шунингдек, йўловчи-мусофирлар тўрт рақъатли фарз намозларни икки рақъатга қисқартиришлари мумкинлигига ижорзат берилган. Бу ижозатлар Куръони каримга асосланади (Shayx Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf: 1-juz: 2016:580).

10. Аллоҳ таоло Қаламга ёзиш ҳукмини берган. Қалам Аллоҳ таолодан сўраб дуо қилганда, У деди:

وَكُلُّ شَيْءٍ فَعَلُوهُ فِي الزُّبُرِ {٢٥} وَكُلُّ صَغِيرٍ وَكَبِيرٍ مُسْتَنْطَرٌ {٣٥}

«Ва уларнинг ҳар бир ишлари китоблардадир. Ҳар бир кичиғу катта (ишлар) сапрангандир» (Shayx Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf: 5-juz: 2016:668).

11. Қабрдаги азоблар борлигига ва азоблар бўлиши муқаррарлигига ишониш. Уларни мавжуд эмас деб ўйлаш мумкин эмас. Қабрда Мункар ва Накир фаришталари савол-жавоб қилишларига ишониш керак. Булар ҳақида бир қанча ҳадисларда маълумотлар келган.

Мумин жаннат ва дўзах азалий яратилганлигига иймон келтиради. Аллоҳ таоло жаннатни мўминлар учун ва дўзахни кофирлар учун яратган. Аллоҳ таоло жаннатни мукофот, дўзахни жазо учун яратган. Жаннат аҳли у ерда абадий қоладилар. Жумладан, Куръони каримда шундай дейилади:

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ {٢٨}

«Ва иймон келтириб, яхши амалларни қилганлар, ана ўшалар жаннат эгаларидир. Улар

унда абадий қолурлар» (*Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf: 1-juz: 2016:67*)

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَا نُكَفِّرُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا
أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ {٢٤}

«Иймон келтириб, яхши амалларни қилганлар–Биз ҳеч бир жонни тоқатидан ташқаринарсага таклиф қилмаймиз–ана ўшалар жаннат эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар» (*Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf: 2-juz: 2016:313*).

Яна бошқа оятда шундай дейилади:

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَأَخْبَتُوا إِلَىٰ رَبِّهِمْ أُولَٰئِكَ
أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ {٣٢}

«Албатта, иймон келтирганлар, яхши амаллар қилганлар ва Роббиларига ишонч ила бўйинсунганлар, ана ўшалар, жаннат эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар» (*Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf: 3-juz: 2016:87*).

Тарозу (*мизан*) бўлишига ишонч. Булар Аллоҳ таоло томонидан бир қатор ояти карималарда таъкидланган. Унда банданинг бу дунёда қилиб ўтган барча амаллари ўлчанади. Ҳар бир инсонга унинг ҳаёти ёзилган китоб тақдим этилишига ва улар ўз амалларини ўқиб билиб олишларига ишонч, Аллоҳ таоло Қиёмат куни ҳамма вафот этган бандаларини тирилтиришига ишонч. Аллоҳ таоло бу куни ҳаммани бир жойга ййғади. Қиёмат куни шу дунё ҳисоби бўйича 50 йил давом этади. Бу ҳақида Қуръонда ва ҳадисларда айтиб ўтилган. Жаннат аҳли Аллоҳ таолони кўрадилар. Фақат бу кўриш инсон тасаввурдаги кўришдан умуман фарқ қилади. Бу ҳеч бир вақтда, ҳеч бир маконда, ҳеч бир йўналиш ва шаклда бўлади. Бу куни Муҳаммад (с.а.в.) барча иймон келтирган бандаларнинг ҳимоячиси ва шафоатчиси бўлади. Қолаверса, катта гуноҳ (гуноҳи кабира) қилган бандаларга ҳам шафоат қилади.

Юқоридаги фикрлар Абу Ҳанифа белгилаб берган аҳли сунна вал жамоанинг асосий эътиқодий тамойиллари сифатида бутун ислом уммати томонидан қабул қилинган. Абу Ҳанифанинг таълимотини давом эттирган силсиладан етишиб чиққан кейинги давр олими Абу Бакр Иёдий бўлиб, у ҳам ўз давридаги мўътазилийлар ва бошқа адашган ақидавий оқимларга қарши аҳли сунна вал жамоа таълимотини ҳимоя қилган.

Имом Аъзам Абу Ҳанифа аҳли сунна вал жамоага эргашувчилар учун мана шу ўн иккита асосларни келтириб ўтган. Кимки мана шу ақида асосида вафот этса, у нажот топганлар қаторида бўлади.

Абу Ҳанифа нафақат мавжуд билимларнинг тизимлаштирувчиси, балки фикҳ илмининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшди. Олим Муҳаммад (с.а.в.) томонидан қолдирилган билимларни ягона тизимга солди ва унинг шогирдлари ақида ва ҳуқуқ илмларида катта мартабаларга эришдилар. У кўплаб шогирдларни етиштирди. Имом Абу Ҳанифа мактабининг кўпчилики издошлари мужтаҳид олимлар қаторига кирди. Улар орасида имом Муҳаммад Шайбоний – Абу Бакр Журжонийдир. Кейинчалик Имом Журжоний мактабининг етикчиси Абу Наср Иёдий бўлди. У Абу Мансур Мотуридийнинг устози ҳамдир.

Имом Мотуридий унгача Абу Ҳанифадан етиб келган барча илмларни ўрганиб, уларни янада кенгайтди ва суннийлар орасида биринчи илоҳиёт йўналишига асос солди.

Имом Абу Мансур Мотуридийгача бўлган силсилавий билим йўналиши қуйидагичадир:

1. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) (ваф. 12/632);
2. Абдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 32/651);
3. Алқама ибн Қайс (ваф. 62/681);
4. Иброҳим Наҳаъий (ваф. 96/715);
5. Ҳаммод ибн Аби Сулаймон (ваф. 120/738);
6. Имом Аъзам Абу Ҳанифа (ваф. 150/767);
7. Муҳаммад Шайбоний (ваф. 189/805);
8. Абу Бакр Журжоний (ваф. 200/815 йилдан кейин);
9. Абу Наср Аҳмад Иёдий (ваф. 331/943);
10. Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944).

Абу Наср Иёдийнинг иккинчи ўғли Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Иёдий (ваф. 361/971) ўз замонасининг етук фақиҳи ва ақида илмининг етук олими бўлган. Абу Саид Идрисий (ваф. 405/1014-15) у билан Макка ҳокими Ибн Исҳоқнинг уйида учрашган (*Al-Hasiriy: 2526-253a*). Демак, ушбу маълумотдан шуни тахмин қилишимиз мумкинки, Абу Бакр Иёдий ўз ҳаётида ҳаж амалини бажарган. Қолаверса, нуфузли олим бўлгани боис Макка ҳокими Ибн Исҳоқнинг уйида меҳмон бўлган. Ҳокимнинг ўзи уни кутиб олган.

Абу Бакр Иёдийга тегишли бўлган бир матн борки, бу матн унинг мўътазилийлар билан олиб борган ўнта ақидавий мунозараларидан иборат. Абу Бакр Иёдий кимнинг фикрлари Қуръон, сунна ва бошқа ислом уламоларининг фикрларига тўғри келса, ўшаларни «аҳли сунна ва-л-жамоа» қаторига қўшган. Абу Бакр ёзиб қолдирган ушбу мунозалар «ал-Масаил ал-ашр ал-Иёдия» деб номланади. (*al-Hasiriy: 251a-252b*) Бу мунозаралар Иёдийлар оиласига оид ягона илмий аҳамиятга эга бўлган манба ҳисобланади. Қуйида келтириладиган

ақидавий масалаларни юқоридаги Абу Ҳанифанинг тамойиллари билан қислаш орқали мазкур икки олим аҳли сунна вал жамоа учун хизмат қилганини билиб олиш мумкин.

Абу Бакр Иёдий куйидаги ақидавий масалалар бўйича баҳс-мунозара олиб борган:

(١) إن الله تعالى خلق أفعال العباد. وأفعالهم بقضاء الله ومشيئته.

1. Аллоҳ таолонинг бандаларнинг хатти-ҳаракатларини яратган. Уларнинг хатти-ҳаракатлари Аллоҳнинг амри ва хоҳиши билан амалга ошади.

Албатта, Абу Бакр Иёдийнинг ақида масалаларига оид қарашлари унинг устози Абу Мансур Мотуридийнинг қарашлари билан ҳамоҳанг бўлиб, у ҳам аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқодида собит бўлган. Эътиқодий масалаларни халққа тушунтиришда ва ўзининг йўналишига эга бўлишда бундай жиддийлик ва масъулият катта аҳамият касб этади. Чунки эътиқодий масалаларни нотўғри тушуниб қолиш ва уларни нотўғри тушунтиришда мусулмонлик қаторидан чиқиб кетиш хавфи турар эди. Қолаверса, агар бирор хатолик ўтадиган бўлса, Абу Бакр ал-Иёдий ўзи яшаган даврдаги мутакаллимлар ва бошқа ислом уламоларининг маломатига қолиб кетиши ва ўз оиласининг обрўсини тушириб қўйиши мумкин эди.

(٢) وإن الله تعالى خالق لم يزل. وإن الله تعالى له علم وهو موصوف به في الأزل لا هو ولا غيره.

2. Аллоҳ таоло абадий яратувчи. Аллоҳ таолонинг ўзи билан аввалданок сифатланган илми бор, лекин у илм Аллоҳнинг ўзи ҳам эмас, Ундан бошқа нарса ҳам эмас.

Аллоҳ таоло абадий яратувчидир. Аллоҳнинг зотий сифатлари илм, ҳаёт, калом каби сифатлардир. Бу сифатлар қадим, яъни азалий сифатлар ҳисобланади. Аммо Унинг феълий сифатлари ҳам борки, улар халқ (*Холиқ*), ризқ (*Раззоқ*) каби сифатлардир. Бу сифатлар ҳам Мотуридий қарашлари бўйича қадимдир, яъни азалийдир. (*Abu Hanifa: 1984:25*)

Абу Бакр Иёдий Аллоҳ таолонинг илми, қудрати, яратувчанлиги борасидаги тортишувларнинг келиб чиқмаслиги ва мусулмон умматини жамоа ҳолатида бўлиши лозимлиги таъкидламоқда.

(٣) وإن الله تعالى يجوز أن يرى في الآخرة بلا إدراك ولا إحاطة لا كيفيتها؛ ولكن يجوز أن يكرم الله تعالى بالرؤية من عباده من يشاء كيف يشاء.

3. Аллоҳ таолони Қиёмат куни кўриш мумкин. Лекин Уни кўриш ҳеч қандай идроксиз,

тасаввурсиз, ҳеч бир усулсиз бўлади. Лекин Аллоҳ таоло кимгаки Ўзини кўришни икром қилса, ўша бандасига Ўзи ҳоҳлаганича кўринади.

Аллоҳ таолони охираат куни кўриш мумкин. Лекин бу кўриш идроксиз, қамраб олишсиз ва ҳеч бир ҳолатсиз бўлади. Аллоҳ таоло бандаларига ўз жамолини кўрсатишни кимга қандай кўринишни Ўзи икром қилади. Аллоҳ таолони Қиёмат куни кўриш мумкинлигини мўътазиллийлар ва жаҳмийлар инкор этадилар. Лекин уларга қарши Қуръон ва сунна, кейин саҳобалар ва тобеинлар, машҳур ислом имомларининг жавоби битта бўлган. Мазкур масала усулу-д-дин илмидаги энг зарурий масалалардан ҳисобланади. Қуръони каримнинг “Қиёмат” сурасида мўминлар Аллоҳ таолони Қиёмат куни кўришлари хусусида аниқ далиллар келтирилган. Улар Аллоҳ таолони қандай кўришлари ва Аллоҳ таоло уларга қандай кўриниши масаласи хусусида мунозара қилиш ислом таълимоти бўйича мумкин эмас. Аммо Абу Бакр ва мўътазиллийлар ўртасидаги масала бўйича кўриш ёки кўрмаслик масаласи асосий уринни эгаллайди. Шу боис Қуръондаги оятга биноан мўминлар Аллоҳ таолони албатта кўрадилар (*Abu Ja'far, 1995:203-207*).

(٤) وإن القرآن كلام الله تعالى، وكلام الله تعالى غير مخلوق ولا محدث.

4. Қуръон Аллоҳ таолонинг каломидир. Аллоҳнинг каломи яратилган (*махлук*) эмас ва янги пайдо бўлган нарса (*муҳдас*) ҳам эмас.

Абу Бакр Иёдийнинг фикрига кўра, Қуръони карим азалийдир. Бу масала бўйича ислом уламоларининг фикрлари бир хилдир. Қуръон Аллоҳ таолонинг каломи ҳисобланади. Қуръон Аллоҳнинг илмидир. Юқорида айтганимиздек, илм Аллоҳнинг азалий сифатидир. Демак, Қуръон азалий ва қадимдир.

(٥) وإن أهل الكباير من الموحدين في مشيئة الله، إن شاء غفر لهم فضلا منه وإن شاء عذبهم بقدر ذنوبهم عدلا منه ويكون عاقبتهم الجنة.

5. Мусулмонлардан гуноҳи кабира қилганлар Аллоҳ таолонинг хоҳишидалар. Агар Аллоҳ таоло хоҳласа, уларни ўз фазли билан кечиради ва агар хоҳласа, уларнинг қилган гуноҳлари миқдорида Аллоҳ таоло ўз адолати билан азоблаши мумкин. Улар азобдан кейин жаннатга борадилар.

Мусулмонлардан катта гуноҳ (*гуноҳи кабира*) қилганлар Аллоҳ таолонинг хоҳишидалар. Агар Аллоҳ таоло хоҳласа, уларни ўз фазли (*фадл*) билан кечиради ва агар хоҳласа, уларнинг қилган гуноҳлари миқдорида Аллоҳ таоло ўз адолат (*адл*)и билан азоблаши мумкин. Улар азобдан кейин жаннатга

борадилар. Абу Бакр Иёдийнинг қарашларини янада теранроқ тушуниш мақсадида аввал унинг устози Мотуридийнинг қарашлари билан танишиб чиқсак. Абу Мансур Мотуридийнинг таълимотига кўра, катта гуноҳ содир этган шахс мўмин бўлиб қолаверади (*мўътазилийларга қарши далиллар*), аммо жазодан қочиб қутула олмайди, зеро, Аллоҳнинг таҳдидини ҳам (*муржзийларга қарши далиллар*), ваъдасини ҳам (*мўътазилийлар ва хорижийларга қарши далиллар*) жиддий қабул қилмоқ зарур. (*Abu Ja'far, 1995: 332,6-343,11*) Фақат кофирларнигина дўзахда абадий жазо кутади. (*Abu Ja'far, 1995: 360,10*)

٦) وَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَفْعَلُ مَا يَشَاءُ وَيَحْكُمُ مَا يَرِيدُ، إِذَا كَانَ أَصْلَحَ لِلْعِبَادِ أَوْ لَمْ يَكُنْ، لَا يَسْتَلْ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يَسْتَلُونَ.

6. Аллоҳ таоло хоҳлаган ишини қилади ва хоҳлаган нарсасини ҳукм қилади. Бандага яхши ёки ёмон бўлишидан қатъи назар, Аллоҳ ҳукми муҳокама қилинмайди. Лекин у (бандалар ўз қилган ишлари)лар ҳақида сўраладилар.

Мазкур масала Аллоҳ таолонинг Ирода сифатига тааллуқлидир. Бу сифат Аллоҳ таолонинг азалий сифатларига киради.

“Ақидату-т-Таҳовия” китобида шундай дейилади: “У зот ирода қилган нарсадан бошқа бўлмас”, яъни Аллоҳ таоло ниманики ирода қилса, ўшани бажараверади. Лекин мўътазилийлар ва қадарийлар Аллоҳ таоло ҳамма одамлардан иймонни ирода қилган, аммо кофирдан куфрни ирода қилган дейдилар. Қуръондаги куйидаги оятга биноан уларнинг бундай қарашлари ботил эътиқоддир:

فَعَالٌ لِّمَا يُرِيدُ {٦١}

«У нимани хоҳласа, қила олувчи Зотдир» (*Shayx Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf: 6-juz: 2016:440*).

إِنَّ اللَّهَ يَفْعَلُ مَا يَشَاءُ {٨١}

«Албатта, Аллоҳ хоҳлаган нарсасини қилади» (*Shayx Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf: 4-juz: 2016:15*).

وَلَكِنَّ اللَّهَ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ {٣٥٢}

«Лекин Аллоҳ ирода қилган нарсасини қилади» (*Shayx Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf: 1-juz: 2016:245*).

Бу оятлардан кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло хоҳлаганини қилади. Унинг қилган ишлари ҳақида ҳеч ким, ҳеч қачон муҳокама қилмайди. Бироқ, ҳар бир банданинг қилган ишлари ҳақида Қиёмат куни сўралади, ҳисоб-китоб қилинади.

٧) وَإِنْ شَفَاعَةُ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَقٌّ لِأَهْلِ الْكِبَائِرِ مِنْ أُمَّتِهِ.

7. Пайғамбар(сав)нинг шафоатлари умматларидан катта гуноҳ қилганларга ҳам бўлади.

Шафоат борасида Абу Бакр Иёдийнинг фикри куйидагича:

Пайғамбар (САВ) нинг умматларидан катта гуноҳ қилганларга ҳам бўлади. Хорижийларнинг таълимотига кўра, ҳар қандай гуноҳ инсонни имондан чиқаради ва уни абадий дўзахга маҳкум этади. Мўътазилийлар таълимотига кўра, катта гуноҳ содир этганлар учун ҳеч қандай шафоат бўлиши мумкин эмас. У оралиқ манзилда бўлади.

Гуноҳкор (*мўъмин*)лар учун пайғамбаримизнинг шафоатини ҳақ деб билмоқ аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқодига биноан лозимдир. Агар кимки буни инкор этса, у мусулмонлик сафидан ҳам чиқиб кетиши мумкин.

٨) وَإِنْ عَذَابُ الْقَبْرِ حَقٌّ.

8. Қабр азоби ҳақдир.

Қабр азобини ҳақ деб билиш мўъминга лозим. Зеро, қабр азобини инкор этган кимса адашган ва бидъат соҳиби саналади. Кимки «Мулк» сурасини ҳар кеча ўқиса, Аллоҳ таоло ундан қабр азобини кўтаради (*Muhammad Zohid: 2016:179-184*).

Абу Бакр Иёдийнинг ақидавий қарашларини шарҳлашда аҳли сунна йўналишадаги уламоларнинг асарлари ва уларнинг қарашларидан фойдаланилса, бу олимнинг қарашлари янада ёркинлашади.

٩) وَإِنَّهُ يَرْجِي مِنَ اللَّهِ تَعَالَى أَنْ يُعْطِيَ الْعِبَادَ مَا يَسْأَلُونَ مِنْ دَعَائِهِمْ؛ وَفِي الدَّعَاءِ حِكْمَةٌ وَفَائِدَةٌ.

9. Бандалар дуоларида нимаики сўрасалар, Аллоҳ таоло томонидан берилишига умид қилинади. Дуода ҳикмат ва фойда бордир.

Ушбу масалада мусулмонлар ҳамиша дуо қилишлари лозимлиги таъкидланмоқда. Чунки Аллоҳ таоло ҳар бир дуо қилувчи мусулмон бандасининг дуосини қабул қилиши ҳақидаги кўрсатмалар исломнинг муқаддас манбаларида кўплаб зикр қилинган.

١٠) وَإِنَّ الْقَدْرَ خَيْرُهُ وَشَرُّهُ مِنَ اللَّهِ.

10. Тақдирнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳ таолодандир.

Тақдирнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳ таоло томонидан эканлиги имоннинг руқнларидан биридир. Тақдирда банда учун фойдалар ва зарарлар бўлиши мумкин. Бу пайт ҳар бир мўъмин банда сабр-қаноат қилиши даркор ва ўз бошига тушган нарсага рози бўлиб яшаши лозим. У агар рози бўлиб яшаса, Аллоҳ ҳузурида юксак мақомларга эга бўлади.

Аксинча бўлса, бундан мукофотдан бебаҳра қолиб, жазоланади. Шундай эътиқод билан яшаш ҳар бир мўминнинг сифатидир (*Imom A'zam Abu Hanifa: 1984:22*).

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Абу Ҳанифанинг тамойиллари Абу Бакр Иёдийгача соф ҳолда етиб келган. Абу Бакр Иёдийдан кейинги олимлар ҳам мазкур йўналишда фаолият олиб борганлар.

Иёдийлар оиласининг намоёндалари Абу Ҳанифанинг содиқ издоши бўлиб фаолият юритганининг самараси ўлароқ, аҳли сунна вал жамоа ақидавий таълимотини турли сиёсий-ақидавий оқимлардан ҳимоя қила оладиган олим ватандошимиз Абу Мансур Мотуридийнинг етишиб чиқиши учун катта замин яратдилар. Абу Мансур Мотуридийнинг фаолияти ва адабиётларини тадқиқ этиш ҳамда халқимизнинг ақидасини ҳозирги кундаги сиёсий-ақидавий оқимлардан ҳимоя қилиш ҳар бир олим, ҳар бир фуқаронинг олдида турган муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. An-naym. (2003) Arabcha – o'zbekcha lug'at. Toshkent.
2. Abdurazzoq Ahmad. (1990) Al-Hadira al-Islamiyya fi al-Usur al-Vusto. Qohira: Dar al-Fikr al-Arabiyy.
3. Abu Jafar Ahmad ibn Muhammad al-Tahavi. (2001) Al-Aqaid at-Tahaviyya. Riyod: Maktabat al-Maarif lin nashr va at-Tavzii.
4. Abu Mansur al-Maturidiy. (1986) Kitab at-Tavhid. Bayrut: Dar al-Mashriq.
5. Abu Mansur Maturidi. (2001) Kitab at-Tavhid. Istanbul: Maktaba al-Irshad.
6. Abu Muin an-Nasafiy. (1990) Tabsiratul adilla. Dimashq. Al-mahad al-ilmiy al-faransiy lid dirasat al-arabiyya.
7. Abul Fath Muhammad ibn Abdulkarim. (2000) Al-Milal va an-Nihal. Bayrut: Maktabat al-Asriyya.
8. Abul Fido Ismoil ibn Kasir al-Qurashi ad-Dimashqi. (2009) Tafsir ibn Kasir. Misr: Dar as-Salam.
9. Abulhasanot Muhammad Abdulhay al-Laknaviy. (1903) Al-Favaid al-Bahiyya fi tarajim al-Hanafiyya. Qozon: Matbaat al-Xizana.
10. Anke fon Kyugelgen, Mumonov Ashirbek. (2001) Teologicheskaya nauka v Samarkande. Toshkent: Mayak Vostoka.
11. Atvon Husayn. (1993) Al-Murjia va al-Jahmiyya bi Huroson fil asr al-Ummaviy. Bayrut: Dar al-Jayl.
12. Hasan Sadiq. (1993) Juzur al-Fitna al-Firaq al-Islamiyya. Qohira: Maktabat Madbuliy.
13. Ibn Abu al-Vafo al-Qurashi al-Hanafiy. (1993) Al-Javohir al-Mudiyya fi at-Tabaqot al-Hanafiyya. Riyod: Dar al-Ulum.
14. Ibn al-Javziy. (1931) Manaqib al-Imam ibn Hanbal. Qohira: Dar as-Salam.
15. Imam A'zam Abu Hanifa. (1984) al-Fiqh al-Akbar. Bayrut: Dar al kutub al Ilmiyya.
16. Islomshunoslik qomusiy lug'ati. (2013) Toshkent.
17. Mamataxunov Nozim. (2003) Iyodiyalar oilasining kalom ilmiga qo'shgan hissasi. Toshkent: Imom al-Buxoriy. Ilmiy ma'rifiy jurnal.
18. Muhammad al-Hasiri. Al-Havi fi al-Fatava- 1-2., Germaniya: Orient Quart, Berlin.
19. Muhammad al-Hasiri. Al-Havi fi al-Fatava- 2., Istanbul: Sulaymaniya.
20. Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. (2005) Sunniy aqidalar. Toshkent: Movarounnar.
21. Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. (2016) Tafsiri Hilol (6 ta juz). Toshkent: HILOL NASHR.
22. Muhammad Zohid Qutqu ibn Ibrohim al-Bursaviy. (1998) Ahli sunna val-jamoa aqoidi. 1-kitob. Toshkent: Movarounnahr.
23. Muhammad Zohid Qutqu ibn Ibrohim al-Bursaviy. (1999) Ahli sunna val-jamoa aqoidi. 2-kitob. Toshkent: Movarounnahr.
24. Mulla Ali Qari Hanafi. (1983) Sharh Kitab al-Fiqh al-Akbar lil Imam A'zam. Bayrut: Dar al kutub al Ilmiyya.
25. Muminov Ashirbek, Mamataxunov Nozim. (2003) Ikki muhim matn. Toshkent: Imom al-Buxoriy. Ilmiy ma'rifiy jurnal.
26. Muminov Ashirbek. (1989) Iz istorii rasprostraneniye hanafitskogo mazhaba v Maverannahre. Uzbekistan: Obshestvenniye nauki v Uzbekistane.
27. Nozim Mamataxunov. (2013) Islomshonuslik qomusiy lug'ati, I qism: Iyodiy. Toshkent: Movarounnahr.
28. Ziyodov Shovosil. (2000) Al-Moturidiy hayoti va merosi. Toshkent: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi.

